



# POSTDA



Ўзбекистон Республикаси  
IIV nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqq boshlagan • E-mail:urmvd@inbox.uz • 2010-yil 13-noyabr, shanba • №46(3887)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
PREZIDENTINING  
ҚАРОРИ

## ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини, халқимизга хос меҳр-мурувват, бағрикенглик ва савоҳат ифодаси эканини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам – Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида"ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармониға мувофиқ:

1. 2010 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 16 ноябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини инобатга олиб, 2010 йил 16 ноябрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуруний", "Маҳалла" жамғармалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига байрам тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти **И.КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2010 йил 9 ноябрь



## Эртага – Тиббиёт ходимлари куни

Буюк давлатни фақат соғлом миллат,  
соғлом авлодгина қура олади.

Ислом КАРИМОВ.

## БАЙРАМИМИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Инсон саломатлиги бебаҳо бойлик. Шундай экан уни эъзозлаб, хурсандчилик билан ўтаётган ҳар бир кунимизнинг қадрига етмоғимиз керак. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Соғлигимизни асрайлик, чунки соғлом одамгина чинакам бахтли бўлади, чунки фақатгина соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади».

Истиқлол йилларида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари даражасида юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбарининг мазкур соҳани ислоҳ қилиш ва ри-

вожлантиришнинг асосий йўналишларига оид фармонлари бу борада олиб борилган ҳар бир кунимизнинг қадрига етмоғимиз керак. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Соғлигимизни асрайлик, чунки соғлом одамгина чинакам бахтли бўлади, чунки фақатгина соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади».

Кейинги пайтда республика Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаётган ички ишлар ходимларининг саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга оширилди. Бир нечта тиббиёт муассасалари замон талаблари даражасида барпо этилган ва жиҳозланган

биноларга кўчирилди. Уларнинг моддий-техник негизи мустаҳкамланди. Кўрсатилаётган тиббий хизматнинг кўлами ҳамда сифатини яхшилаш мақсадида госпиталь ва поликлиникалар таркибига замонавий даволаш ва диагностика бўлинмалари ташкил қилинди. Мутахассис шифокорлар республикамиз ва хорижий давлатларнинг илғор клиникларида малака ва тажриба алмашишига алоҳида аҳамият берилляпти.

Республикамизда кенг нишонланаётган Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан сафаримизда эгиларига оқ

халат кийиб, фидокорона хизмат қилаётган барча саломатлик посбонлари, соҳа фахрийларини касб байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ички ишлар идоралари ходимларининг саломатлигини муҳофаза қилишдек шарафли ва хайрли ишларингизда улкан зафарлар ёр бўлсин. Барчангизга узоқ умр, бахт-саодат, оилангизга тинчлик-тотувлик ва файзу барака тилайман.

**Б. МАТЛЮБОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирининг  
генерал-лейтенанти.

## МАНГУ ҲИЛПИРАЙВЕР, ҲУРЛИК МАЁҒИ!

Олис давлатларнинг бирида спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Ҳали спортчимиз шохсупанинг энг юқорисига чиқди, унинг шарафига



Давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз кўтарилди. Бутун дунёнигоҳида голиб спортчи ва Ватанимиз рамзи – байроғи намоён бўлади. Ана шу дамда ҳар қандай кишининг қалби жунбушга келади, гурур ва фахрдан қузғи севинч ёшлари келади.

Байроқ давлат суверенитетининг рамзи ҳисобланади. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонуни республика Олий Мажлисининг 1991 йил 18 ноябрдаги навбатдан ташқари сессиясида қабул қилинган. Давлатимиз байроғи дунёнинг энг нуфузли халқаро ташкилоти – БМТ биноси олдида ҳилпираб турибди. Мамлакатимизнинг хорижий давлатларидаги элчихона, ваколатхоналари жойлашган бинолар пештоқиға ҳам давлатимиз байроғи қадалган. Дунёнинг энг баланд Жамолунгма чўққисидан ҳам Ўзбекистон байроғи ҳилпираганини жаҳон аҳли кўриб, гувоҳ бўлди.

Ички ишлар вазирлигининг олий таълим муассасаларида курсант ва тингловчилар Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини ўқиб, қасамёд қабул қиладилар.

Давлатимиз рамзларидан бири бўлган байроқ ҳаммамиз учун қадри ҳисобланади. У гуруримиз, фахримиз. Мангу ҳилпирайвер, ҳурлик маёғи деймиз.

# ПОСБОНЛАРИ БАРДАМ ЮРТ ОСОЙИШТАДИР

Юртимизда дунёнинг илғор мамлакатлари тажрибаси ва Ўзбекистоннинг ўзига хос тарихий-маданий, миллий урф-одатлари, анъаналари, ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида тиббий хизмат кўрсатиш тубдан такомиллашиб, шифо масканларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб бормоқда. Бу борада республика Ички ишлар вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб, муносиб ютуқлар қўлга киритилляпти. Айём арафасида ИИБ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи, полковник Саъдулла МУХАМЕДОВ билан суҳбатимиз шу хусусда борди.



тилган меъерий талабларга мувофиқлаштирилиб, тўлиқ қайта ишлаб чиқилди.

Тизимнинг бошқарув аппарати шатларидан бир мунча қисқартирилиб, юзга келган ички имкониятлар тиббий ёрдам кўрса-

тишнинг бирламчи бўғини – поликлиникаларни кучайтиришга йўналтирилди. Хусусан, қулай шартитлар яратиш мақсадида поликлиникалар шифокор-мутахассислари сони оширилиб, беморларга кун мобайнида, уз-

луксиз хизмат кўрсатилиши таъминланди. Марказий поликлиниканинг профилактика бўлинмаси таркиби тўлақонли фаолият юритиши учун қайта ишлаб чиқилди ва жамланди.

Ҳукуматимизнинг тегишли

қарорлари ижросини таъминлаш учун вазирлик Санитария-эпидемиология назорат бош маркази таркибига алоҳида ОИТС бўлинмаси ва лабораторияси ташкил қилинди, жойларда эса ОИТС лабораториялари фаолиятини йўлга қўйиш учун зарур шартлар киритилди, асбоб-анжомлар билан таъминланди.

Доимий эътиборимиздаги

яна бир масала бу – ички ишлар идораларидаги хизматга ва вазирлик таълим муассасалариға ўқишга кирувчи номзодларни ҳарбий-тиббий кўриқдан ўтказиш ишларини такомиллаштириш, психофизиологик лабораториялар фаолияти самардорлигини оширишдир. Изла-нишлар самараси ўлароқ ИИБ Марказий ҳарбий-тиббий комиссияси ва жойлардаги ҳар-

бий-тиббий комиссиялар таркиби тузилишини қайта кўриб чиқиб, маълум ижобий ўзгаришларга эришдик. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда алоҳида штатли ҳарбий-тиббий комиссиялар, Навоий, Хоразм ва Наманган вилоятларида ҳарбий-тиббий комиссиялар ҳамда психофизиологик лабораториялар ташкил этилди.

(Давоми 4-бетда)



## 2010 йил – Баркамол авлод йили

Хоразм вилояти ИИБ томонидан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилляпти. Бошқарма раҳбарияти ташаббуси билан эски бинода жойлашган ҳамда ётарли шарт-шароитга эга бўлмаган ХООБга қарашли вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази замонавий кўри-ниш олгани фикримизнинг тасдиғидир. Урганч шаҳри ҳудудидаги фойдаланилмаётган, таъмирталаб бино саҳоватпеша инсонлар, ҳомий идора ва ташкилотлар кўмағида қисқа муддатда қайта бунёд этилди.

Айни пайтда ёрдамга муҳтож бўлган ўғил ва қизларга меҳр-мурувват кўрсатувчи ушбу масканда болаларнинг яшashi ҳамда таълим олиши учун барча қулайликлар яратилган. Кенг ва ёруғ синф хоналари, кутубхона, ётоқхона, дам олиш ва ювиниш хоналари, ошхо-

## Янги бино очилди



на, спорт зали, тиббий кўриқдан ўтказиш хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланган. Шунингдек, бу ерда ички ишлар идоралари ходимлари самарали хизмат қилиши учун барча шартитлар мавжуд.

– Марказ биноси қурилиши ҳамда таъмирлаш ишларидан фойдаланиш шартитлари мавжуд. Марказ биноси қурилиши ҳамда таъмирлаш ишларидан фойдаланиш шартитлари мавжуд.

масъулияти чекланган жамияти ишчиларининг меҳнатини алоҳида қайд этиш лозим, – дейди вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Шавкат Икрамов. – Айрим ота-оналарнинг масъулиятсизлиги туфайли назоратсиз қолиб, қўнқўйда юрган болалар ушбу масканда тарбияланиб, жамиятдан ўз ўринларини топишига ишончимиз

комил. Бундай хайрли ва савобли ишда қурувчилар, кўлаб саҳоватпеша инсонларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Кун кеча 40 ўринли марказ биносининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят ҳокими Оллаберган Оллаберганов, вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Шавкат Икрамов,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси вилоят бўлими масъул котиби Гавҳар Ибодуллова, «Хоразм ирригация темир-бетон қурилиш» масъулияти чекланган жамияти раиси Назар Норбоевлар сўзга чиқиб, шаҳар кўрғига кўрк қўшган бу бино ёш авлоднинг кўнқўйдан тарбиялашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди. Шундан сўн фаол қурувчилар, ҳомий ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари, саҳоватпеша инсонлар ҳамда бир гуруҳ ички ишлар ходимлари республика Ички ишлар вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлигининг Фахрий ёрликлари ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Тантананда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Шодиев иштирок этди ва ёш авлодга фамхўрлик ифодаси сифатида ушбу бинони бунёд этишда жонбозлик кўрсатган мутасадди ташкилотлар раҳбарларига ва қурувчиларга ўз миннатдорчилигини изҳор этди.

Худойберган ЖАБОРОВ,  
«Поста» муҳбири.  
Суратда: янги бинонинг  
қурилиши.  
Муаллиф олган сурат.

## ДИҚҚАТ, 15 НОЯБРДАН 15 ДЕКАБРГАЧА «ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ»!

Мамлакатимиз шаҳарлари, туманлари ва бошқа аҳоли турар жойлари шунингдек, иқтисодий тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кучайтириш мақсадида республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 4 ноябрдаги фармоишига биноан 2010 йил 15 ноябрдан 15 декабргача республикамизда «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Ушбу қарорда таъкидланганидек, идоравий бўйсунуши ва мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар муассасалар ҳамда ташкилотлар объектлари, уй-жой фондиди ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, тоифаланган ва ўта муҳим объектларда ёнгин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирларни амалга ошириш асосий вазифа этиб белгиланган. Маълумки, куз-қиш фаслида фуқа-

ролар бошқа даврларга нисбатан иситиш мосламаларидан кўп фойдаланади. Бу эса ёнгин хавфсизлиги қондаларига эътибор берилмаган жойларда ёнгин чикиш хавфи маълум даражада ошиб кетишига олиб келади. Шу муносабат билан ойлик давомида соҳа ходимлари томонидан иқтисодий тармоқлари объектлари ва аҳоли турар жойларида ёнгин хавфсизлиги қондаларини кенг тарғиб қилиш орқали ёнгинларнинг олдини олиш, улар оқибатида юзга келиши мумкин бўлган қўнғилсиз ҳолатларни кескин қисқартириш кўзда тутилган.

Азиз юртдошлар! Мазкур тадбирда фаол иштирок этиш орқали Сиз нафақат давлат, балки ўз мулкнингиз ва уй-жойингизни ёнгин балосидан асраб, яқинларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси.

Халқаро алоқалар

Маълумки, азалдан халқимиз қадимий Хитой давлати билан дўстлик ва савдо-сотиқ алоқаларини амалга ошириб келган. Буюк ипак йўли бунга яққол мисол бўла олади. Мамлакатимиз истиқлолга эришганидан сўнг ўзаро ҳамкорлик алоқалари янада кенг йўлга қўйилди. Ўтган йиллар давомида барча соҳалар қатори мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва Хитойнинг мана шу соҳада фаолият кўрсатувчи идоралари ўртасида мустақкам ҳамкорлик ўрнатилди.

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК



Айниқса, уюшган ва транс-миллий жиноятчиликка қарши кураш, халқаро терроризм, гиёҳвандликнинг олдини олиш, турли соҳавий хизматлар билан тажрибалаб алмашиш борасида бир қатор лойиҳалар амалга татбиқ этилмоқда. Хар икки томон вакиллари турли даражадаги учрашувларда бир неча маротаба иштирок этиб, ўзаро фикрлар алмашишиб маҳоратларини оширишяпти. Жумладан, шу йилнинг апрель ойида Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, Жамоат хавфсизлиги вазири Мэн Цзяньчжу боши-

лигидаги делегация республика ИИВга ташриф буюрганди. Мартабали меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов қабул қилиб, терроризм, айирмачилик ҳамда диний экстремизм, наркотрафик ва бошқа турдаги трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашишда, минтақавий хавфсизликни мустақкамлашда ўзаро ҳамкорликни янада кучайтиришга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратганди. Ушанда томонлар ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юза-

сидан ҳам фикрлашиб олган. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири билан Хитой Халқ Республикаси Жамоат хавфсизлиги вазири ўртасида 2010-2011 йилларда ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида идоралараро Протокол имзоланганди. Яқинда унинг ижросини таъминлаш, томонлар ўртасида истиқболли ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида мамлакатимизга Хитой Халқ Республикаси Шанси музофотининг Жамоат хавфсизлиги департаменти бошлиги ўринбосари, биринчи даража-

даги полиция комиссари Чжан Хэн бошичилигидаги делегация ташриф буюрди. Улар дастлаб Тошкент шаҳар ИИБда бўлишди. Меҳмонларни ИИББ бошлиғи, полковник К. Накибов қабул қилиб, пойтахтимизда фуқаролар хавфсизлиги ва осийш-талигини сақлашда соҳавий хизматлар ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Мулоқот чоғида қизқтирган саволларга жавоб олинди ва ўзаро фикр алмашилди. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ўқув-тар-

бия жараёнлари янги замонавий ахборот технологиялари асосида такомиллаштирилган делегация аъзоларининг эътирофига сабаб бўлди. Академия бошлиғи вазири вақтинча бажарувчи, полковник Т. Саитбаев ўқув жараёнлари билан таништираркан, бунда аънавий дарс усуллари қаторида давра сўхбатлар, машқлар, тренинглари каби таълимнинг интерфаол усуллари ҳам кенг қўлланилишини айтиб ўтди. Меҳмонлар шунингдек, бу жойдаги тест маркази, музейи, Маънавият ва маърифат марказини ҳам

кўришди ҳамда билим юртида юксак малакага эга офицер кадрлар тайёрланаётганига юксак баҳо берилди.

Шундан сўнг улар республика ИИВ ППХ ва ЖТСББга бево-сита бўйсунувчи кинолоғлар ҳамда қидирув хизмат итлари тайёрлаш марказига бориб, ички ишлар идораларининг муҳим тизимларидан бири бўлган мазкур хизмат томонидан амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

Шунингдек, делегация аъзолари Самарқанд шаҳрига боришди. Вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Ф. Қодиров иштирокида бўлган сўхбат чоғида жиноятчиликка қарши курашиш бўйича бир қанча масалалар юзасидан ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш борасида фикр алмашилди. Шарқ гавҳари – Самарқанд шаҳридаги диққатга сазовор жойлар, тарихий обидалар, осори атиқалар билан танишиш бахтига мўъассар бўлган меҳмонларда улугвор тарихимиз катта қизиқиш уйғотди.

Меҳмонлар шу билан бирга пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейи ва Ҳазрати Имом мажмуаларини ҳам бориб кўришди.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ, «Постда» мухбири.**  
**Суратларда:** ташриф лайдидан лавҳалар.  
**Абу КЕНЖАЕВ** олган суратлар.

Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият

Бухоро шаҳрида республика ИИВ ИХҚК ва ЮТБ ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ички ишлар идоралари фаолиятида БМТнинг «Қийноққа қарши конвенцияси» қоидаларининг бажарилиши мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда вилоят ИИБнинг тергов хўбсоналари, ХООб, тергов, жиноят қидирув, ИХҚК ва ЮТБ, ИХХБ каби соҳавий хизматлар вакиллари иштирок этишди.

ЖОНЛИ МУЛОҚОТ ТАРЗИДА

Республика ИИВ ИХҚК ва ЮТБ бошлиғи, подполковник Илҳом Турғунов тадбирни очар экан, инсон ҳуқуқларини таъминлаш энг муҳим масалалардан бири эканлигини таъкидлади.

Тадбир дастур асосида тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда олиб борилди. Дастлаб инсон ҳуқуқларига оид асосий тушунчалар берилди. Сўнгра «БМТнинг инсон ҳуқуқларини химоя қилиш халқаро механизми, Қийноқни тақиқловчи халқаро стандартлар ва миллий нормалар» каби мавзулар бўйича машғулотлар баҳс-мунозара, жонли мулоқот тарзида ўтди.

Семинар-тренингда БМТ Тараққиёт дастурининг «Инсон ҳуқуқлари миллий муассасаларининг салоҳиятини кучайтириш» лойиҳаси раҳбари Б. Алиев, лойиҳанинг тренинглари бўйича менежери Ж. Норбоев ва ИИВ ИХҚК ва ЮТБ ходими, подполковник, юридик фанлар номзои Д. Каримов инсон ҳуқуқлари химояси оид Ўзбекистон имзолаган халқаро ҳужжатларни ички ишлар ҳодимларига етказиш, уларда амалий кўникмалар ҳосил қилиш бўйича ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Иштирокчиларга ИИВ ва БМТнинг биргаликдаги сертификатлари топширилди.

**Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА.**  
Бухоро вилояти.

Қарор ва ижро

Шахсни жазолашдан кўра унга тузалиш, тўғри йўлга ўтиш имконини бериш, жамият кўмағида қайта тарбиялаш бениҳоя самарали усуллар. Инсонпарвар, демократик давлатлардагина ана шундай йўлдан борилади. Президентимиз ташаббуси билан мунтазам равишда қўлланиб келинаётган амнистия актилари инсонпарварликнинг олий намунаси бўлмоқда.

Маълумки, Олий Мажлис Сенатининг 2010 йил 28 августдаги учинчи ялпи мажлисида «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор бошқа мунтазам идоралар қатори Ички ишлар вазириликнинг Жазони ижро этиш ҳамда Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармалари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклатди.

Куни кеча ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармасига қарашли муассасаларда амнистиянинг қўлланиши билан боғлиқ тадбирлар бўлиб ўтди. Уларда суд, прокуратура, ички ишлар идоралари ҳодимлари билан бир қаторда оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик вакиллари ҳам иштирок этишди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилги амнистияга биноан аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшга тўлган эркеклар ҳамда чет эл фуқаролари жазодан озод қилинмоқда.

Фуқаро Зийда Содикова Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида ашайди. У билан-билмай жиноят кўчасига кирди. Қилмиши фож

бўлиб, суд ҳукмига биноан озодликдан маҳрум этилди. Жазо муддатининг маълум қисмини муассасада ўтказган бу аёл амнистия туфайли озодликка чиқди.

— Озодликнинг нақадар тотли неъмат эканлиги панжара ортида ўтган умрим мобайнида чуқур англаб етдим, — дейди кўзига ёш олиб

КЕЧИРИМЛИК — ХАЛҚИМИЗГА ХОС ХИСЛАТ

3. Содикова. — Энди уч нафар фарзандим бағрига қайтиб, ҳаётимни қайтадан бошлайман. Уларни эл-юрт хизматига ярайдиган, муносиб фарзандлар қилиб тарбиялайман. Мен сингари маҳума аёлларга озодлик имконини берган Президентимизга раҳмат.

Юқорида тилга олинган қарорда эҳтиётсизлиги туфайли жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят қилгани учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар ҳам жазодан озод этилиши белгиланган. Ана шулар қаторида бу қарор биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, қарор кучга кир-

ганга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўқсинлик қилмайдиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахсларга ҳам қўлланилмоқда. Айни пайтда ушбу муҳим ҳужжатда озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар жазодан озод қилиниши ҳам қайд этилган.

Фарғоналик Дарвиш Парлибоев ҳаётининг айни ёшлик палласини панжара ортида ўтказишига тўғри келди. — Қилмишимдан пушаймонман, — дейди у. — Бу ерда хатоларимдан тегишли сабоқ қақардим, ўзимни қайта англадим. Мана бугун Олий Мажлис Сенатининг қарори билан озодликка чиқяпман. Бундан буёғига давлатимиз ишончини оқлаб, қайта жиноят кўчасига яқин йўлмайман. Ўзимнинг ҳалол меҳнатим билан юртдошларим, жамиятимизга хизмат қилмоқчиман.

Бинобарин, амнистия қўлланиладиган маҳкумларни озодликка чиқаришнинг ўзи билан масала ҳал бўлиб қолмайди. Яъни, яшаш жойлиги қайтган шахсларга моддий, маънавий, ижтимоий шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш, улар би-

лаш профилактик тадбирларни амалга ошириш зарур. Бу борада жойлардаги ички ишлар идоралари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

— Жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган шахсларга моддий масалалар ҳамда ишга жойлашишда яқиндан ёрдам кўрсатилмоқда, — дейди ИИВ ХООбБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Фанишер Эшонқулов. — Юқумли касалликка чалинганлар даволаниш учун тиббий муассасаларга, ёлғиз қолган, давлат муҳофазасига муҳтож шахслар Мурувват уйлари, ўсимирлар ишга, мактаб ва коллежларга жойлаштирилмоқда. Уйлайманки, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ҳисобга олиш, улар билан профилактик ишларни амалга ошириш, ижтимоий-маънавий ёрдам кўрсатиш борасида амалга ошири-

лаётган бундай ишлар келгусида ўзининг ижобий самарасини беради. Ҳа, йилкисини сулш, унга инсонпарварлик кўрсатиш халқимизга хос эзгу амал, савоб иш. Ҳаётнинг тўғри йўли қолиб, жиноятнинг қинғир кўчасига кирган, унда адашиб-улоқиб, озодликдан маҳрум этилган шахслар давлатимизнинг гамҳўрлиги туфайли яна оиласи, яқинлари бағрига қайтмоқда. Бундай инсонлар ўзларига кўрсатилаётган олижанобликка муносиб хулқ-атвор, шарафли меҳнат билан жавоб беришлари, олий неъмат бўлмиш озодликнинг қадрига етмоқлари лозим.

**Норали ОЧИЛОВ,** катта лейтенант.

Фойдали тадбир

Самарқанд вилояти ИИБнинг жорий йилга мўлжалланган асосий ташкилий тадбирлар режасига мувофиқ яқинда вилоят ИИБ ЖҚВАТҚБ тизимида шаҳар-туман ИИБ бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари, тергов хизмати бўлими бошлиқлари ҳамда тезкор ходимлар иштирокида ўқув-методик машғулотлари ўтказилди. Унда ходимларнинг касб маҳоратини ошириш, назарий-амалий машғулотларни тўғри ташкиллаштириш, жанговар хизмат тайёргарлиги ҳамда ИИБнинг буйруқ ва кўрсатмаларини ўзлаштиришига баҳо берилди.

ХОДИМЛАР МАҲОРАТИ СИНАБ КЎРИЛДИ

Машғулотлар давомида режага киритилган мавзулар юзасидан маъруза қилган ходимлар қидирув, мулкчи ва гиёҳвандликка қарши кураш йўналишида олиб борилаётган ишлар, уларнинг «иссиқ изида» очилган қаратилган услублар орқали жиноятларни фож этиш борасида етарлича тушунтиришлар беришди.

Шулар қаторида жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги аризаларни қабул қилиш, ҳисобга олиш, ҳал

этиш, махфийлик тартиботига риоя қилиш, ички ишлар идораларига ушлаб келинган гумондор, жиноятга мойил шахсларнинг барноқ излари дактохариталарини олиш, «АДИС-СОНДА» да тадқиқ этиш билан боғлиқ масалалар бўйича ҳам мунозаралар юритилиб, тажрибалаб кенг ўрганилди.

**Раҳимжон ҲАМРОЕВ,** подполковник, Самарқанд вилояти.

2010 йил – Баркамол авлод йили

«ТАЛАБАЛАР ФЕСТИВАЛИ» БОШЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Давлат сиёсати даражасига кўтарилган бу вазифани адо этишда ҳар бир ташкилот имкон қадар ўз ҳиссасини қўшяпти.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси республика Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазириликлари, Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаб-ушумаси ҳамкорликда жорий йилнинг 19-23 ноябрь кунлари Кўхна Бухорода «Талабалар фестивали»ни ўтказишга тайёргарлик кўришмоқда.

Куни кеча Ўзбекистон миллий матбуот марказида ушбу тадбирга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раисини биринчи ўринбосари Ф. Муҳаммеджанова, республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари М. Каримов ва бошқалар тадбирнинг аҳамияти, уни ўтказиши ва оммавий ахборот воситалари

да ёритилишини таъминлаш тўғрисида ахборот беришди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси ўринбосари О. Жамолдинова, Б. Турабов, «Етақчи» ўқув маркази ижрочи директори Н. Субонолов фестиваль давомида ўтказилиши кўзда тутилган мастер-класс, турли лойиҳалар, халқаро анжуманлар, меҳмонлар ва талабаларнинг хавфсизлиги ва соғлигини сақлаш, уларни рағбатлантириш тўғрисида фикр билдиришди. Анжуман давомида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган бошқа саволларга жавоб олиш билан бирга, тақлифларини ҳам билдирдилар.

**Г. АВАЗОВА.**

Матбуот анжумани

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ АСОСИЙ ЭЪТИБОРДА

Республика ИИВ Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармасида тизимда олиб борилаётган ислохотлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 ноябрдаги мамлакатимизда шу йил 15 ноябрдан 15 декабргача «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» ўтказиш тўғрисидаги фармойиши талабларидан келиб чиққан ҳолда кузги-киши масъумга тайёргарлик кўриш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда ЕХББ масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда ИИВ ЕХББ бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник Исроил Юлдашев йилнинг ўтган даврида Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот берди. Нотик дастлаб хизматнинг моддий-техника базасини мустақкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «2008–2013 йиллар давомида ёнгин ўчириш техника ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш тўғрисида»ги Дастури ижросига алоҳида тўхтади. Шундан сўнг



куз-киши даврида талафотларга йўл қўймайлиқ учун корхона, ташкилот, муассаса, хўжаликлар ва турар жойларнинг ёнгинга қарши ҳолати текшириб чиқилгани, уларда аниқланган камчиликларнинг аксарият қисми бартараф этилганини таъкидлади. Журналистларга «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» бўйича олиб борилаётган профилактик-огоҳлантирув тадбирларини кенг ёритиш бўйича тавсиялар берилди.

Анжуман сўнггида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

**Фурқат АБДИЕВ.**

Миннатдорлик

ЭҲТИРОМ УЧУН РАҲМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов номига Андижон вилояти Шаҳрихон шаҳрида яшовчи ички ишлар идоралари фахрийларидан миннатдорлик мактуби келди. Унда жумладан шундай дейилади:

«Яқинда хонадонимизга Шаҳрихон тумани ИИБ бошлиғи, подполковник Азизбек Бўстонов ва бошлиқ ўринбосари, майор Дилшодбек Абдуллаевлар ташриф буюришди. Икки раҳбар оила аъзоларимиз, қариндошлар, маҳалла-қўй ва ёру-биродарлар иштирокида сўхбатлашиб, ижтимоий аҳолимизга, қандай яшаётганимиз билан қизиқди. Ҳар биримизга узок умр, сийхат-саломатлик тилашар экан, эл-юрт тинчлиги ва осийиш-талиги йўлида қилган меҳнатимизга юқори баҳо бердилар. Бундан кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Бизга кўрсатилаётган эътибор ва эҳтиром учун туман ИИБ раҳбарияти ҳамда шахсий таркибига машаққатли, ammo шарафли хизматларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Самимий ҳурмат билан Шаҳрихон шаҳрида яшовчи ички ишлар идоралари фахрийлари – истеъфодаги полковник Анваржон Зокиров, истеъфодаги подполковник Раваҳиб Воҳидов ва истеъфодаги мейор Адхамжон Исоев».

Эътироф

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Ёнги хавфсизлигини таъминлаш йўлида узок вақт самарали хизмат қилган полковник Ҳаёт Шариповнинг бир неча йиллик илмий изланишлари, тадқиқотлари ниҳоят ўз натижасини берди. У Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнги хавфсизлиги олий техник мактабида техника фанлари номзоди Абдумажит Қосимов илмий раҳбарлигида «Ёнги ва саноят хавфсизлиги» ихтисослиги бўйича «Нефтни қайта ишлаш санояти объектларининг ёнги қарши ҳимояланишни таъминлаш учун иссиқдан ҳимояловчи экранни ишлаб чиқишни илмий асослаш» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Яқинда унга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тасдиқланган техника фанлари номзоди дипломи топширилди.

Бухоро вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари, полковник Ҳаёт Шарипов ички ишлар идораларидаги хизмат фаолиятининг аксарият қисмини ёнги хавфсизлиги хизматида бағишлади. У оддий ўт ўчирувчиликдан вилоят ИИБ ёнги хавфсизлиги бошқармаси бошлиғигача бўлган довлони босиб ўтди. Ёнги хавфсизлигини таъминлаш борасидаги барча мураккабликлар, муаммоларни жуда яхши билади. Инсон ҳаётига, мол-мулкка чанг солган қанчалар ёнгиларнинг гувоҳи бўлди. Уларни бартараф этишда, жумладан, Мингбулок нефть қонида ва Қўқдумалоқ газ фавворасида содир бўлган ёнгиларни ўчиришда фаол иштирок этди. Тилсиз, аёвсиз ёвни қисқа вақтда бартараф этиш, ўзгалар ҳаётини, мол-мулкни сақлаб қолиш учун ўзини олов домига отган жасоратли ходимларни жароҳатлангандан сақлаш масаласи ҳамиша уни ўйлантирарди. Йирик объектларда содир бўладиган ёнгиларни ўчириш чоғида иссиқдан ҳимояловчи

воситалар яратиш фикри ўшанда тугилган бўлса ажаб эмас. Шунинг учун ҳам ИИБ Ёнги хавфсизлиги олий техник мактабида «Ёнги ва саноят хавфсизлиги» ихтисослиги бўйича илмий тадқиқотчи сифатида из-



ланишлар олиб борди. Ниҳоят, тадқиқотлари бирин-кетин ўз самарасини бера бошлади. Номзодлик диссертацияси материаллари 2006-2007 йилларда Москва шаҳрида бўлиб ўтган халқаро илмий-техник анжуманларда, хорижий олимлар иштирокидаги олий ўқув юрлараро илмий-техник анжуманларда муҳокамадан ўтди, илмий тўпламларда босилиб чиқди.

Сунги вақтларда иссиқдан ҳимояловчи турли экранлар таклиф қилинган. Лекин улар иссиқлик радиациясини етарли даражада пасайтирмайди. Бундан ташқари, уларда сув кўп сарфланади, конструктив ечими мураккаб, нархи ҳам анча баланд. Ўзбекистон ва Россия мутахассислари томонидан таклиф қилинган «Согда» русумли




иссиқдан ҳимояловчи экранлар бу борада энг истиқболлиси ҳисобланади. Бу ускуналар иссиқлик оқимини иккита симтўр ўртасида форсунка (пурақиги) орқали сувни пурақаш йўли билан ҳосил қилинган сувли парда ёрдамида пасайтириш усулига асосланган. Улар экспериментал услубда физикавий параметрларни сифат жиҳатидан таҳлил қилиш ва иқтисодий мезонларга асосланиб ишлаб чиқилган. Бироқ ускуналарнинг параметрлари миқдорий жиҳатдан таҳлил қилинмаганди. Сувни гидравлик пурақаш параметрларини катъий физик-математик ёндашувига ва ҳисоблашларини автоматлаштиришга асосланган рационаллаштириш масалалари етарли даражада ўрганилмаган эди. Бу эса махсус тадқиқотлар ўтказишни талаб қиларди.

Тадқиқотчи диссертация ишида сувни гидравлик пурақашда иссиқлик оқими пасайтириш жараёнини моделлаштириш йўли билан иссиқдан ҳимояловчи экранни ишлаб чиқишни илмий асослади. Нефтни қайта ишлаш санояти объектларини ёнги хавфсизлигини таъмин-

лашда ундан амалий фойдаланишнинг самарадорлигини аниқлади. Илмий изланишни нефтни қайта ишлаш санояти объектларининг ёнги хавфсизлигини таъминлаш усуллари ва воситалари бўйича маълумотларни таҳлил қилишдан бошлади. Нефтни қайта ишлаш санояти объектларининг оператив-тактик хусусиятлари, улардаги ўт ўчиришнинг усуллари ва воситалари ҳамда уларни такомиллаштириш йўллари кўриб чиқди. Бунинг учун Ўзбекистон ва Россия мутахассислари томонидан таклиф қилинган «Согда» русумли иссиқдан ҳимояловчи экран хусусиятини ўрганди. Изланишлар жараёнида бу қурилмани янада такомиллаштириш имкони топилди. Бунга фақат қурилмадаги иссиқлик оқимини пасайтириш жараёнини моделлаштириш ва қурилмалар элементлари параметрларини рационаллаштириш усули билан эришиш мумкин, деган хулосага келди.

Ҳ. Шарипов ҳимояловчи экран элементларида иссиқлик алмашишуви жараёнини таҳлил қилиш асосида сувни гидравлик пурақалиши тизимининг физикавий параметрларини иссиқлик оқимини максимал пасайтириш нуктани назардан таъминлашни асослаб берди. Шунингдек, иссиқдан ҳимояловчи экранда сувни гидравлик пурақаш параметрларини рационаллаштириш бўйича ҳам тадқиқотлар ўтказди. Илмий ишда иссиқдан ҳимояловчи экрандаги сувни гидравлик пурақалиши параметрларини моделлаштириш натижаларини



экспериментал текшириш бўйича ҳам маълумотлар келтирилган. Сувнинг сарфланишини аниқлаш учун тезкор қанотсимон ҳисоблагич ишлатилган. Иссиқлик оқимининг пасайтирилиши коэффициентини лаборатория ва табиий шароитларда аниқлаш республика ИИБ ЕХОТМ Илмий-тадқиқот маркази бошлиғи, полковник М. Усмонов томонидан ишлаб чиқилган услуб бўйича бажарилган. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида шулар аниқландики, муқим лафетли қурилмаларнинг иссиқдан ҳимояловчи экранлар билан жиҳозланиши тўқитиш-тўлдириш эстакадаларининг

Олиб борилган илмий-тадқиқот ишларнинг амалий натижаси яққол кўзга ташланди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи объектларида ёнгини ўчиришда иссиқдан ҳимояловчи экранлардан фойдаланишнинг самарадорлиги баҳоланди. Иссиқдан ҳимояловчи экранлардан фойдаланилганда ёнги ўчирувчиларнинг соғлиғи ва ҳаёти учун таваккалчиликнинг пасайишига эришилди, ёнгининг ўчирилиши учун сарфланадиган вақт ўч марта қисқаради. Шунингдек, нефть маҳсулотларининг йўқотилиши, асбоб-ускунани совитишга ишлатиладиган сувнинг умумий сарфи 5 марта қисқаради, ёнгини бартараф қилишга жалб этиладиган ўт ўчирувчилар сони 1,5 марта камаяди.

Мазкур тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳам катта. Асосийси, ҳимояловчи экранда иссиқлик оқимини пасайтириш даражасини таъсирловчи сувни гидравлик пурақалиши физикавий параметрларини ҳисоблаш ва уларнинг оптимал миқдорини аниқлаш учун дастурий комплекс ишлаб чиқилди. Илк бор иссиқдан ҳимояловчи экрандаги сувни гидравлик пурақаш оптимал параметрларини ҳисоблаш ва аниқлашнинг автоматлаштирилган услуби ва берилган ташқи омилига кўра иссиқлик оқимини пасайтириш иссиқлик-физикавий таъсирларнинг номограммаларини таклиф қилиш билан илмда янгилик яратилди.

Рўзиган Йўлдошева, ўз муҳбиримиз. Бухоро вилояти.

Профилактика хизмати

ҲАМИША ОДАМЛАР ОРАСИДА

Болаликдаги орзулар шундай бегуборки, кимдир олим, кимдир шиқокор, бошқа биров ўқитувчи бўлишни истайди. Йиллар ўтиши билан ана шу мақсад сари интилиши ўз самарасини беради. Нодир ҳам ана шундай орзу-истак билан вояга етди. Унинг ўзи туғилган Усган Янгиариқ маҳалласи профилактика инспекторига бўлган ҳаваси ўзгача эди. Бора-бора шу касбга меҳр қўйди.

– Ички ишлар ходими бўлмоқчи бўлсанг жисмонан чинқиқинг керак, – деди бир кун отаси унга. Шунда у албатта чинқаман, дея дарсдан сўнг қараётган катта қана бошлади. Вақт ўтиши билан болаликдаги ҳавас Нодирни ИИБ Академиясига етаклади. У Академияга ўқишга кириб, 2009 йил дипломли бўлди. Шундан сўнг Карман тумани ИИБ бошлиғига учрашди. Шу тарихда дастлабки фаолиятини 83-милиция таянч пункти профилактика инспектори лавозимига бошлади. Утган вақт мобайнида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда анча ишларни амалга оширди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўтган йилга нисбатан маҳаллаларда ҳам жиноятчилик камайишига эришилди. Хусусан, ўғрилиқ ўтган йилдаги нисбатан бу йил биттага камайди. Вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилмади. Бундай ютуқларга эришишда албатта Нодирнинг устози, профилактика катта инспектори, майор Жамшид Улугбердиевнинг маслаҳати ва йў-

йўриқлари асқотмоқда. – Нодиржон интилувчан, зийрак ва ўз касбига меҳр қўйган шоғирдларимдан бири, – дейди майор Жамшид Улугбердиев. – У одамлар билан хушмуомалали. Шу билан бирга, қатъиятли ҳамдир. Ўз олди-га қўйган мақсадга эришмай қўймайди. Бир мисол. «Қорадори-2010» тадбири пайтида Ўзбекистон кўчасида яшовчи К. Рустам онасини ураётганида Нодир Раҳмонов жанжал устидан чиқиб қолади. Профилактика инспекторини кўрган К. Рустам кочади. Нодир дарҳол унинг ортидан кувади. Шу ерда спорт билан шуғуллангани қўл келади. Рустамни ушлаб ИИБга олиб боради. Унинг хонадони кўздан кечирилганда томорқасида таркибда гиёҳвандлик моддаси бўлган икки тўп ўсимлик етиштирилаётгани аниқланди. Профилактика инспектори, лейтенант Нодир Раҳмонов маҳаллаларда ҳар ойнанг якуни бўйича йиғилиш ўтказди. Унда жиноятчиликнинг аҳволи таҳлил қилинади. Йўл қўйилган камчиликлар бўйича

қўшимча режа тузилиб, чора-тадбирлар белгиланади. Шунингдек, Барқамол авлод йили муносабати билан 15-умумтаълим мактабида туман ИИБ ҲООБ БЕОҲООГ инспекторлари, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари билан биргаликда учрашувлар ўтказиб бораёпти. «Сиз қонунни биласизми?», «Гиёҳвандлик – аср вабоси», «Диққат, болалар!» каби мавзулардаги тадбирлар шулар жумласидандир.

– Маҳалла посбонлари иштирокида тунги гуруҳлар ташкил қилдик, – дейди лейтенант Н. Раҳмонов. – Худудимиз туман марказида жойлашган бўлиб, деҳқон бозори, учта тўйхона, бешта чойхона, элликка яқин савдо дўконлари ҳамда турли маиший хизмат шохобчалари мавжуд. Бу жойларда фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг ўзи бўлмайди. Бизга жиноят қилиув, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнги хавфсизлиги хизматлари вакиллари ҳамда бозор маъмурияти яқиндан ёрдам бераёпти. Маҳалламиз аҳли ҳам фаол, ҳам ишбилармон. Бекорчи топилабди. Бизнинг ютуғимиз ҳам шунда.

Лейтенант Нодир Раҳмонов ҳамиша одамлар орасида. Уларнинг қувончу ташвишига шерик бўлиб келаётгани учун кўпчилигининг хурмати қозонишга улгурди.

Мирзо АҲАДОВ. Навоий вилояти.

ХОДИМЛАР САЛОМАТЛИгини ўйлаб



Раъно Нарзиева ёшлигидан тиббиёт аёллар ишлаши учун мос соҳа деб ҳисобларди. Шунинг учун кўп йиллардан буён Самарқанд вилояти ИИБ поликлиникасида шиқокор-лаборант сифатида самарали фаолият кўрсатиб келаяпти. У чўқур билими, касб маҳорати туфайли касалликларга тўғри ташхис қўйишга, демакки беморларнинг тезда шиқо топишига катта ҳисса қўшмоқда. – Раъно Акрамовна юқри малакали ходимларимиздан. Еш шиқокорлар масъулиятчи ҳис этиши, муомала маданияти борасида ундан ўрнак олишга интилишди, – дейди Самарқанд вилояти ИИБ поликлиникаси бошлиғи, майор Н. Мингулина. Суратда: вилоят ИИБ поликлиникаси шиқокор-лаборанти Раъно Нарзиева иш пайтида. Дилбар САЛОҲИДИНОВА. Самарқанд вилояти.



СУРАТЛИ АҲБОРОТ

Олий тоифали ҳамшира Мухаббат Расулова мана йисирма йилдирки, Қашқадарё вилояти ИИБ тиббиёт булими поликлиникасида ўзига бириктирилган вазифани сидқидилдан адо этиб, беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Мухаббат опа соҳага оид янгиликларни ҳамшира ўзлаштириб боради. Барча тиббий асбоб-ускуналарни ишлатишни аввало ўзи мукаммал ўрганиб, сўнгра уни ималиётга қўлайди. Шу боисдан ҳам оянинг хузурига даво истаб келган ҳар бир бемор мамнун бўлиб, қўлингиз дард кўрмасин, дея миннатдорлик билдиришади. Қолаверса, у жамоадoshiлари орасида ҳам яхши шиқокор сифатида хурматга сазовор. С. ЭРГАШЕВА.

Суратда: М. Расулова беморни тиббий кўриқдан ўтказмоқда.

ИИБ Матбуот маркази хабар қилади


УЧ ЙИГИТ ПУШАЙМОНДА

Номаълум шахслар Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида махсус мактаб-интернат ўқитувчиси А. Оллоберге-

содир этганликда гумонланиб, қўлга олинди. Автомашина техник соз ҳолда эгасига қайтарилди.

ҚИРҚ ЁШДА ҲАМ АҚЛИ КИРМАГАН

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида кимдир уй бекаси К. Зулхуморнинг бошига тўмтоқ жисм билан уриб, ичида 35 минг сўм пули, «Нokia» русумли уяли телефони ва фуқаролик паспорти бўлган сумкасини олиб кетди. Тезкор чоралар ўз натижасини берди. Маълум бўлишича, бу жиноятни туманнинг Паргоз кўргонида яшовчи, салкам қирқ ёшни қоралаб қолган Қ. Бахт содир этган экан. У ички ишлар ходимлари томонидан ушланди.



МАШИНАГА ЭГА ЧИҚОЛМАДИ


Ярим тунда бир қимса Бухоро шаҳридаги Зулфия кўчасида фуқаро Ф. Ниёзга тегишли, қаровсиз қолдирилган «ВАЗ – 2107» русумли автомобилни ҳайдаб қочди. Бузқоннинг югургани сомонхонагача деганларидек, ҳуқуқбузар узокқа кетолмади. Шаҳарнинг Работқози кўчасида яшовчи Х. Баҳром ушбу жиноятни

«ИШБИЛАРМОН» ҲАМТОВОҚЛАР ТўДАСИ

Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида куппа-кундуз кунни ўғирлик содир этилди. Номаълум шахслар Ф. Гулнора-

БОШ ЧўПОННИНГ НОҚОНУНИЙ ҚУРОЛИ

Навоий вилояти Учқудуқ туманидаги «Алтинтау» ширкат хўжалиги «Оринбасар» отари бош чўпони С. Абубакр ноқонуний ов қуроли сақлаган киши қонун асосида жавобгарликка тортилишдан беҳабарга ўхшайди. Йўқса, унинг отари текширилганда ИИБ рўйхатида бўлмаган «ТОЗ» русумли ов милтиғи топиб олинмасди. Начора, қурол эгаси энди тегишли тартибда жиноий жавобгарликка тортилади. Н. АСЛАНОВ.



# Эртага – Тиббиёт ходимлари куни

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Булардан ташқари, жорий этилаётган талайгина янгиликларни тилга олиб ўтиш мумкин. Масалан, ИИБ Марказий госпитали реабилитация маркази тарихида психореабилитация, кардиореабилитация бўлимлари иш бошлади. Диагностика маркази қайта ташкил этилиб, унга тааллуқли бўлимлар бириктирилди ҳамда тарихида кундузги стационар очилди.

– **Тўйга тўёна билан бориш халқимизга хос одат. Шу маънода кейинги пайтда янгитдан бунёд этилган қайта ташкилланган тиббиёт муассасалари ҳам борми?**

– Вазири раҳбариятининг ташаббуси билан даволаш-профилактика муассасаларини замонавий биноларга жойлаштириш, уларни янги даволаш ва диагностика усуллари билан таъминлаш бўйича қатор тадбирлар белгиланади, босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда.

Сўнги йилларда Намангандаги ИИБ Физיותרпия касалхонасининг қўшимча 48 ўринли даволаш корпуси қурилиб, янги артрология бўлими ишга туширилди. Самарқанд вилояти ИИБ поликлиникаси янги биносидан 40 ўринли госпитал ташкил этилди. Наманган вилояти ИИБ поликлиникаси таъмирдан чиқарилиб ва кундузги стационар фаолияти йўлга қўйилди.

Самарқанд шаҳридаги вазирилик «Зарафшон» санаторийсининг қўшимча даволаш корпуси фойдаланишга топширилди. Ўринлар сони 80 тадан 134 га етказилди. Экологик муҳити оғир бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ тарихида Соғломлаштириш маркази асосида 40 ўрин-жойли госпитал очилди.

– **Хозирги кунда тиббиёт соҳасига жазон андозаларига мос келадиган асбоб-ускуналарни жорий этишга тўғри бўлганлигини натижаларга эришиш аниқ мушкул. Вазиригимиз даволаш-**

профилактика муассасалари замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан қай даражада таъминланган?

– Албатта. Ички ишлар вазирилик тизимидаги тиббиёт муассасаларининг моддий-техник асосини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Биргина жорий йилнинг 9 ойи давомида 300 млн. сўмлик тиббий асбоб-ускуналар харид қилинганлиги фикримни тасдиқлайди. Жумла-

чиққан ҳолда тизимда хизмат қилаётган тиббиёт ходимларининг меҳнат шaroити ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ҳолат ўз-ўзидан хизматга қабул қилинаётган ходимларга бир қатор талаблар қўяди. Шунинг учун улар ўрнатилган тартибда синовлардан ўтказилиб, касб маҳорати, билим савияси, ташкилотчилик қобилиятига қараб лавозимларга тайинланмоқда.

Шифокорларнинг малакасини

контингентга кўрсатилаётган тиббий хизмат кўламини кенгайтириш, унинг сифатини янада ошириш учун бир қатор вазифаларни белгилаб олганмиз. Тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминлашнинг давом эттириш, шунингдек, кўрсатилаётган стационар ва санатор-курорт ёрдами янада такомиллаштириш мақсадида мавжуд стационар ва санаторий ўринларини кенгайтириш кўзда тутилган.

Ички ишлар идоралари ходимларининг руҳий ҳолатини мунтазам ўрганиб бориш асосида тегишли тадбирларни амалга ошириш мақсадида хизматда тиббий психологлар ва психотерапевтлар хизмати ташкил этиш ва тизимдаги ҳарбий-тиббий комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш учун қатор чора-тадбирлар белгилаб олганмиз.

Булардан ташқари, тизимдаги имтиёзга эга бўлган шахсларни дори-дармонлар ва тиббий буюмлар билан таъминлашни яхшилаш, ички ишлар идоралари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига кулайликлар яратиш мақсадида даволаш-профилактика муассасалари тарихида бюджет ҳисобидан таъминланувчи дорихоналар ташкил қилиш ниятимиз бор.

Амалга ошираётган ишларимиз, барча сазой-ҳаракатлар эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш учун фидойилик кўрсатиб хизмат қилаётган ички ишлар идоралари ходимлари саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган. Улар соғлом, бардам бўлса, яна топширилган вазифаларни аъло даражада бажариб, халқимиз орасида ҳурмат-эътибор қозонишади. Ниятим, ҳар бир ходимга уйдан яхши кайфиятда чиқиб кетиб, оиласи бағрига соғ-омон қайтиши насиб этсин.

– **Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

Саъдулла ШОДИЕВ суҳбатлашди.

## ПОСБОНЛАРИ БАРДАМ ЮРТ ОСОЙИШТАДИР

дан, ИИБ Марказий поликлиникаси учун ЭКГ, УТТ каби ускуналар, ИИБ Стomatологик поликлиникаси ва ИИБ Академияси тиббиёт бўлимига 5 тўплам стоматологик мосламалар олинди. ИИБ Марказий госпиталида энг сўнгги, юксак технологиялар асосида ишловчи, замонавий диагностика усуллари ҳисобланган ангиограф ва магнит-резонансли томографлар ишга тушибди. Бугунги кунда бу ускуналар ёрдамида беморларга тез, аниқ ташхис қўйилиши натижасида уларни сифати даволаш ва кичика муддатда саломатликларини тиклаш имконияти пайдо бўлди.

Маълумки, касалликни даволадан кура унинг олдини олган афзал. Шунинг эътиборига олиб, профилактик ишларни кучайтириш ҳамда ўз вақтида касалликларни аниқлаш мақсадида поликлиникалар босқичма-босқич замонавий диагностика ва даволаш ускуналарига эга бўлмоқда.

– **Саломатлик посбонларининг касб маҳорати ва малакасини оширишга қандай эътибор берилаяпти?**

– Ички ишлар идоралари олдидан турган вазифалардан келиб

ошириш ва қайта тайёрлаш мақсадида ҳар йили Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида юздан ортиқ шифокорлар ўқитилмоқда. Бундан ташқари, ИИБ Марказий госпиталининг бир қанча мутахассислари Россия Федерацияси ва хорижий илгор клиникалари фаолияти билан яқиндан танишиб келмоқдалар. Хозирги кунда улар ортирган тажрибалар асосида энг мураккаб тиббий муолажалар ҳам бекуму-қўст амалга ошириляпти.

Бундан ташқари, шифокорларнинг билим савияси ва касб маҳоратини ошириб бориш учун республика миқёсида турли мавзуларда семинар-кеңашлар, ўқув-амалий машғулотлар ўтказиб бориламоқда. Бизда энг қўйи даволаш-профилактика муассасаларида ҳам махсус режа асосида шифокор ва ҳамширалар учун ўқув машғулотлари ташкил қилинган бўлиб, имтиҳон ҳамда синовлар натижалари мутахассисга малака тоифасини белгилашда инобатга олинади.

– **Келгуси режалар билан ҳам ўртоқлашсангиз.**

– Келажақда бириктирилган

# ФИДОЙИ ХИЗМАТГА МУНОСИБ РАҒБАТ



Ҳаётда шундай одамлар борки, уларнинг бутун умри эзгуликка йўғрилган бўлади. Республика ИИБ Марказий госпитали бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди, полковник Хошим Усмонов ҳам ана шундай инсонлардан бири. Хозирги Тошкент Тиббиёт академиясини 1985 йилда тамомлагач, фаолиятини Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг клиникасининг умумий жарроҳлик бўлимида оддий жарроҳликдан бошлади. Ёш мутахассисга касб сир-асрорларини эгаллашда профессорлар Аҳрид Саидхон, Зайниддин Низомжўраев каби устозлари яқиндан ёрдам беришди. Айниқса, профессор Абдуҳаким Ҳаджибоевнинг «Ўғлим, жарроҳлик ўта нозик касб, у сендан ҳар қандай вазиятда ҳам тез ва тўғри қарор қабул қилишни тақозо этади», деган сўзлари ёш шифокорнинг бир умрга қалбига муҳрланган қолди. Х. Усмонов 1989 йилда республика ИИБ Марказий госпиталига ишга ўтди.

## Юксак мукофот соҳиблари

Ўз устида тинимсиз ишлаши, изланиши ва интилиши туфайли тез орада вазирилик раҳбарияти назарига тушади. 1996 йилда у ИИБ Марказий госпитали бошлиғи лавозимига тайинланди. Ана шундан кейин Х. Усмоновнинг ҳаётида ўта масъулиятли давр бошланади. Унинг елиб-югуришлари, сазой-ҳаракати ҳамда вазирилик раҳбариятининг доимий қўллаб-қувватлаши билан тез орада жамоада катта ўзгаришлар, янгиликлар юз беради.

Таққослаш учун айтдиغان бўлсак, ўша пайтда шифохона пойтахтимизнинг Ҳамза туманида хозирги жойга қўчиб ўтганида бир нечтагина бўлим фаолият кўрсатарди. Хозирги кунга келиб эса уларнинг сони 14 га етди. Яъни умумий жарроҳлик, кўз, қулоқ, томоқ, бурун касалликлари, урология, травматология, яра инфекцияси, неврология, кардиопульмонология, анестезиология ва жонлан-

тириш, 1 ва 2-ички касалликлар, қон ва қон маҳсулотларини тайёрлаш бўлимлари янгидан ташкил этилди. 2008 йилда эса тарихида реабилитация, психосоматика ва физиотерапия бўлимлари ишга туширилди. Биргина диагностика маркази тарихида магнит-резонансли ва компьютер томографияси, рентгенангиография ва эндоваскуляр жарроҳлик, рентген, ультратовуш ташхиси, эхокардиография, ЭЭГ, эндоскопия хоналари, замонавий клиник биохимия лабораторияси ва функционал диагностика бўлими фаолият кўрсатаётди. Бир сўз билан айтганда, ИИБ Марказий госпитали республикамиздаги энг нуфузли шифо масканларидан бирига айланди.

Ривожланган Европа мамлакатларида ишлаб чиқарилган

асбоб-ускуналар, жумладан, компьютер томографияси, магнит-резонансли томограф, ангио-хирургия ва ультратовуш диагностикаси ускуналари беморларга аниқ ва тўғри ташхис қўйиш имконини бермоқда. Ушбу асбоб-ускуналардан госпиталнинг малакали мутахассислари самарали фойдаланишмоқда. Мисол учун, қонтомир жарроҳлиги бўйича республикада танқили шифокор, профессор Бахтиёр Турсунов беморларга малакали хизмат кўрсатаётди. Етти нафар шифокор Австрия, Германия, Польша ва Россиядаги нуфузли клиникаларда ўз малакаларини ошириб келишди.

Ўтган давр мобайнида катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари бажарилди. Муолажадан сўнг шифохона ховлисидаги арчазорларни айланган,

фаввораларни томоша қилган беморларнинг баҳри дили очилади. Ўтган йиллар давомида бундай кенг кўламли ишларни амалга оширишнинг ўзи бўлгани йўқ, албатта. Бунга эришгунча Х. Усмонов раҳбар сифатида озмунча куч-ғайрат сарфламади.

Унинг хизматлари ҳукумати томонидан муносиб тақдирланди. 1998 йилда унга «Соғлиқни сақлаш аълочили» унвони, 2004 йилда «Меҳнат шўхрати» ордени, 2008 йилда ИИБнинг «А'ло хизматлари учун» кўкрак нишони берилди. Яқинда у ички ишлар идоралари ходимлари касб байрами муносабати билан Президентимиз Фармонига мувофиқ, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвонига сазовор бўлди.

– Дунёда инсон саломатлигини ҳам ортиқ бойлик бўлмаса керак. Тан-жони соғ одамгина ҳар қандай вазифани муваффақиятли ундай олади. Шундай экан, машаққатли, масъулиятли касб эгалари бўлган ички ишлар идоралари ходимларининг саломатликларини асрашга маътул эканлигимиз биз учун катта шарафдир, – дейди лавҳамиз қахрамони.

Х. Усмонов намунали оила бошлиғи, турмуш ўртоғи, шифокор Матлубахон билан тўрт нафар фарзандни эл қорига ярайдиган инсонлар этиб тарбиялашмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, Хошим Усмоновни юксак мукофот ҳамда Тиббиёт ходимларининг касб куну билан самимий қўллаб-қувватлаш ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Фуркат HOЛИКУЛОВ, «Поста» мухбири.

Суратда: ИИБ Марказий госпитали бошлиғи, полковник Х. Усмонов.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

# ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАР

изланувчан ва ташаббускорларни кашф этмоқда

Жамият равақати ва унинг истиқболли инсон саломатлиги билан белгиланади. Фуқаролар соғломлигига эришиш, жисмонан ҳамда руҳан шаклланган авлодга эга бўлиш давлатимиз қўяётган устувор вазифалар сирасида. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг туб моҳиятидан бири ҳам ана шунини тақозо этаётди.

Мазкур талаблар асосида ИИБ Марказий поликлиникасида ҳам ходимлар, нафақадорлар, уларнинг оила аъзолари саломатлигини муҳофаза қилиш каторида оилада тиббий маданиятни ошириш, жисмоний фаоллик, организмни чинқатириш, гиёҳвандлик ҳамда унинг оқибатларини олдини олишга қаратилган кенг қамровли репродуктив тадбирлар бўйича ишлар ташкил этилган.

Албатта, қамрови жиҳатдан долзарб ҳисобланган ушбу юмушларни ундашнинг ўзи бўлмади. Ана шу борада поликлиника шифокорлари мушкулни енгилатишда республика ИИБ тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг аниқ-са салмоғи катта бўлаяпти. Жумладан, кейинги уч йил оралиғида поликлиника тарихидаги мавжуд барча бўлимлар қайта таъмирдан чиқарилиб, энг сўнгги замонавий асбоб-ускуналар ва зарур жиҳозлар билан таъминланди.

Шифокор ва ҳамшираларнинг дунё тиббиёти янгиликларидан хабардор бўлишлари, тажриба алмашишлари ҳамда эътибор кучайтирилди ва бунинг учун шарт-шароитлар, зарур маблағ ажратилди. Бундан ташқари, бўлимларни ёш кадрлар ҳисобига бойитиш масаласи ҳам вазириликнинг доимо диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Ростини айтганда, бошқа соҳалар сингари мазкур поликлиника жамоаси ҳам аввалда бундай имкониятдан баҳраманд бўлмаганди.

Яратилган шароит ва имкониятлар эндиликда жамоани янада фаолликка ундаб, ички ишлар тизимларида хизмат қилаётган ходимлар саломатлигини



мустаҳкамлаш ҳамда жисмонан бақувватликка эришишларини таъминлаб, репродуктив саломатлик тамойилларини кенгайтиришда бошқаларга намуна бўлишяпти. Замонавий тиббиёт ускуналарининг амалиётда қўлланилаётгани босиб, аввало, ўнлаб турдаги хасталиклар ва юқумли касалликларнинг кўпайиши, келиб чиқишига барҳам бераётган бўлса, бир пайтнинг ўзида хасталикка чалинганларни шу жойининг ўзида даволаш имкони туғилди.

Шунингдек, поликлиника мутахассислари учун бу ерда фақат ташхис қўйиб даволаш билан чегараланиб қолмасдан, балки инсон саломатлигини муҳофаза қилишга йўғрилган турли марказ-

лар орқали ишни кучайтириш ҳам имкониятлар эшиги очилди. Масалан, гинекология бўлимида «Ёш оилалар мактаби» фаолият бошлаганига анча бўлди. Мазкур жой фақат ички ишлар ходима-

лар орқали ишни кучайтириш ҳам имкониятлар эшиги очилди. Масалан, гинекология бўлимида «Ёш оилалар мактаби» фаолият бошлаганига анча бўлди. Мазкур жой фақат ички ишлар ходима-

моқда. Айни пайтда ИИБ Марказий поликлиникаси бўлимида хизмат қилаётган мутахассислар касалликларнинг олдини олиш ҳамда уни даволашда нафақат юртимиздаги, балки ривожланган давлатлардаги ҳамкасблари билан беамал рақобат қилиш даражасига етган, дейилса, муволага эмас.

Улардан бири поликлиника бошлиғи, подполковник Ферузахон Зокировадир. Ходимларга қўлай меҳнат шaroитини яратиб бериш, кадрларни жой-жойига қўйиб, мурожаат қилаётган кишиларнинг дардларига шифо улаштиришда у кишининг муносиб ҳиссаси бор.

– Зиммамизда ходимлар соғлигини тиклаш қаторида соғлом авлоднинг вояга етказишдек масъулиятли вазифа турибди. Шу боис бу ерда кейинги даврда анчагина тажрибалар тўпланди. Уларни омдалаштириш, тиббиёт тизимидаги янгиликлардан ҳамкасбларини баҳраманд қилиш мақсадида тез-тез жойларга чиқиб ўрашувлар, бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда, – дейди Ферузахон.

– Шунингдек, вилоятлар тарихидаги тиббиёт бўлимидаги ҳамкасблар иш-тироқида ҳам фикр-мулоҳазалар алмашилиб, кези келса, зарур чора-тадбирлар ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Марказий поликлиника шифокорларининг ходимлар саломатлиги йўлидаги сазой-ҳаракатлари вазирилик раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланиб бориляпти. Бу жойда меҳнат қилаётган ўз соҳасининг билимдонлари Нодира Собирова, Елена Адирен, Муҳаббат Раҳимова, Раъна Нуриддинова сингари нафақат жамоанинг, балки вазирилик тарихидаги барча тиббиёт муассасаларининг фахрига айланган.

Дарвоқе, уларнинг беминнат хизматлари ҳам ислохотлар туфайли юзага чиқаяпти. Чунончи, Ички ишлар идоралари ходимлари кўни муносабати билан ИИБ Марказий поликлиникаси бошлиғи, подполковник Ферузахон Зокированинг «А'ло хизматлари учун» кўкрак нишонига муносиб кўрилгани барча шифокор ҳамда ҳамширалар меҳнатига берилган баҳо эди.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ. Суратда: Ф. Зокирова ҳамкасблари билан.

# БЕҒАРАЗ ЁРДАМДАН ХОДИМЛАРГА МАМНУН

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти Баркамол авлод йилида асосий эътиборни ходимларнинг саломатлигини асрашга қаратмоқда. Мазкур эътибор тиббиёт ходимлари зиммасига аниқса, катта масъулият юклаган.

Шу боис вилоят ИИБ тиббиёт бўлими ходимлари осойишталик посбонлари, фахрийлар ҳамда уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, ички ишлар идоралари жисмонан бақувват, руҳан тетик номзодларни танлаб олиш бўйича кенг қўламади ишларни амалга оширишяпти. Шифокорлар белгиланган режа асосида жойларга чиқиб, хавфли ҳамда юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича маърузалар, давра суҳбатлари ўтказишмоқда. Шунингдек, таъкидлаш лозимки, ички ишлар идоралари фахрийлари, ногиронлар, хизмат вази-фасини бажариш чоғида ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига имтиёзли тиббий хизмат кўрсатиш улуқсиз давом этапти. Уларга саломатликларини тиклаб олишлари учун республикамиз худудидидаги сихатгоҳларга йўланмалар берилмоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида 70 нафар ходим ҳамда 87 нафар фахрийлар сихатгоҳларда даволашиб қайтишди.

Шахсий тарихининг саломатлигига салбий таъсир этувчи омилларни кескин камайтириш, беморларга аниқ ташхис қўйиш ва уларни кичика муддатларда даволаш ишларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 60 ўринли шифохона ҳамisha беморлар хизматида. Терапия,

физиотерапия, неврология, беморларни қабул қилиш ва диагностика каби бўлимларнинг мунтазам ишлашига эътибор кучайтирилди. Шунингдек, бу ерда ультратовуш текшируви, энцефалоскоп, компьютер ёрдамида юрак хасталикларини текшириш, лазер нурида даволаш аппаратлари, тренажёр ҳамда велотренажёрлар, сув билан даволаш ванналари каби қўллаб-қувватловчи тиббий асбоб-ускуналари мавжуд. Олий тоифали шифокорлар Зарипбой Сола-

ев, Саъдулла Отажонов, Берта Раҳимова, Насиба Бозорова, ҳамширалардан Юлдуз Қалайдарова, Меҳрибон Абдуллаева, Сайёра Қараева сингари ширинсўз шифокорларнинг беғараз ёрдамидан беморлар беҳад мамнун бўлишмоқда.

– Шифокорларимизнинг касбий маҳоратини ошириш, уларнинг ўз вақтида тиббиёт янгиликларидан хабардор қилиш мақсадида ўқув курслари ташкил қилганмиз, – дейди вилоят ИИБ тиббиёт бўлими поликлиникаси бошлиғи, капитан Алишер Каримов. – Бу тадбирларга тажрибали олимлар, малакали шифокорлар тақлиф қилинапти.

Худойберган ЖАВБОРОВ. «Поста» мухбири.



Суратда: физиотерапия бўлими мудири, катта лейтенант Наргиза Қурбонова ҳамкасблари билан суҳбатлашмоқда. Муаллиф олган сурат.

# ШИРИНСУХАН ШИФОКОР

Саодат Қодированинг номи ички ишлар ходимларига жуда таниш. 24 йилдирки у болажонлар саломатлиги йўлида тиним билмайди. Бухоро вилояти ИИБ тиббиёт бўлими поликлиникасида хизмат қилмоқда.



Бола саломатлиги кўп жиҳатдан онага боғлиқ. Ахир, соғлом онадан соғлом бола дунёга келади. Ана шу маънода у киши туманларга чиқиб оналар, хотин-қизлар билан ўрашувлар ўтказишдан чарчамайди. Айни пайтда вилоят ИИБ поликлиникасида 1200 нафардан ортиқ бола рўйхатда туради. Уларнинг 78 нафари диспансер назоратига олинган. Шифокор болалар саломатлигини асло эътибордан қочирмайди. Вақт-вақти билан зарур муолажаларни амалга оширади.

Баркамол авлод йили муносабати билан ишлаб чиқилган махсус тадбир асосида амалга оширилаётган ишлар эътиборидир. Шаҳодатланган, репродуктив ёшдаги аёллар ва эричн ёлланган хизматчи хотин-қизлар тиббий кўриқдан ўтказилди.

Касбига садоқати, болажонларга меҳри туфайли Саодат Қодирова беморлар, аниқса, ички ишлар ходимлари орасида эътибор топган.

Рўзигул Йўлдошева. Бухоро вилояти.

Суратда: шифокор Саодат Қодирова болажонларни набатдоғи тиббий кўриқдан ўтказмоқда.

# ДАРДЛАРГА ДАВО УЛАШИБ



Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар вазифасини сидқидил адо этаётганини кўриб чин кўнгилдан ҳавас қиласиз. Майор Сайёра Сайдалиева ҳам ана шундайлар сирасида. У киши бир неча йиллардан бунён Қашқадарё вилояти ИИБ тиббиёт бўлими поликлиникасида стоматолог-шифокор сифатида касбий билим, малакасини амалиётда қўллаб келмоқда.

Айни кунда майор С. Сайдалиева вилоят ИИБ ЖИЭБ тасарруфидида полковник Жонпулат Абдуллаев бошлиқ жазони ижро этиш колонияси тиббиёт бўлимида хизмат қилиб келмоқда. Ҳамкасблари орасида ўз ўрнига эга.

Хизмат тақозоси билан маҳкумлар соғлиғи муҳофазасига масъулигини яхши билади. Аммо бундай жойда турфа хислатли шахслар билан ишлашда қўнгилчанлик қилиш панд беришини ҳам тўғри англайди.

– Жазо муддатини утаётган маҳкум соғлиғи бўйича мурожаат қилдим, дедим, у бемор. Шундай экан, биз, шифокорлар қаерда ва кимга хизмат кўрсатмайлик аввал-лабор касбий қасамимизга содиқ қолиб ишлашимиз шарт. Бемор дардига даво кўрсатиб, меҳр улашишдан ортиқ савоб иш йўқ, – дейди Сайёра Сайдалиева.

Соҳибжамол АМИНОВА. Қашқадарё вилояти.

Суратда: стоматолог-шифокор С. Сайдалиева.

Миришкор туманидаги Курама қишлоғида туғилиб катта бўлган Азамат Омонов тиббиёт соҳасига тасодифан кириб қолганлардан эмас. Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ шифокорликка меҳр қўйган. Шу боис ора ва мақсади ортидан эргашди. Саратов тиббиёт институтини тугатиб, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбий госпиталларида жаррохлик фаолиятини бошлади. Кейинчалик Куролли Кучлар марказий ҳарбий-клиник госпиталида устозлари полковниклар Владимир Житковский ва Александр Колимагинлардан тажриба ўрганиб, госпиталнинг нейрохирургия бўлини бошқариш бўлимига бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бош нейрохирург бўлиб хизмат қилди.

Ўн икки йил аввал ИИБ Марказий госпиталида умумий жаррохлик бўлини бошқариш лавозимидан хизматни бошлаган Азамат Омонов бу ерда ҳам қалби дарё устоз шифокорлар, тиббиёт фанлари номзодлари Зайниддин Низомходжаев, Миршафат Акбаров, Николай Кратов кабилардан касб сирларини ўрганди.

Инсон ҳаёти устида иш олиб бориш, беморни даволаб оёққа турғизиш нақадар улуғ ва унутилмас иш эканлигини у шу ерда тушуниб етди. Жаррох сифатида бемор ҳаётининг қил устида турганлиги билан кўп марта лаб юзмаюз келди. Неча-неча беморларга ёрдам қўлини чўзди, уларнинг оёққа туришига сабабчи бўлди.

Беморнинг ҳаёти жар ёқасига бориб қолган кезларида унга ёрдам қўлини чўзиш гоҳида қанчалар қийин ва машаққатли кечишини ўз ҳаётини тажрибасида неча марта лаб синавдан ўтказди.

Бемор ҳаёти қалтис нукталарда турган пайтларда ёрдам бера олган шифокор энг бахтли одам, – дейди Азамат ака.

Тажрибали шифокорнинг яна бир сифатини кўпларга ибрат

## КАСБГА САДОҚАТ — ЮТУҚЛАРГА КАФОЛАТ



қилиб кўрсатиш мумкин. У руҳан хотиржам ва бағоят ширинсўхан, хушмуомала инсон. Беморни сабр билан тинглайди, муолажалар натижасини кузатиб бориш-

дан эринмайди. Бирор кишининг қалбига озор етказиш шифокор учун энг катта қусурдир, дея ҳисоблайди. Подполковник А. Омонов айна

пайтда ИИБ Марказий госпитали бўлини бошқариш сифатида Ёш жаррохларга устозлик қилиб келмоқда. Уни ИИБ тиббиёт тизимида энг тажрибали жаррох мутахассислардан бири сифатида барча бирдай эътироф этишади.

– Бу дунёда инсон саломатлигидан қимматли нарса йўқ, – дейди у. – Хар бир одам хасталикка чалинмасдан аввал саломатлиги учун қайғуриши, домий ҳаракатда бўлиши керак. Инсон табиати қизиқ, кўпинча одамлар дард оғриғи чидаб бўлмас даражага етгандан сўнггина шифокорларга муурожаат қилишади. Қолбуки, айниқса, бизнинг тизимда хар бир ходим ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтиб туриш, саломатлигини мунтазам равишда назорат қилиши шарт. Ҳаёт – бебаҳо неъмат. Шундай экан, унга асло бефарқ қараб бўлмайди.

Азамат ака қўлида шифо топган ходимлардан бири Янгибой Мелибоев шундай дейди:

– Гоҳида киши тажрибали шифокор шундай ёнгинасида турганини билмай даво излаб чор-атрофга югуради экан. Анчадан буюн ошқозон-ичак хасталиғи қийнаб келарди. ИИБ Марказий поликлиникасидаги мутахассислар тавсиясига ҳам эътибор бермай, ўз билганимча даволандим, тиббиётларга бордим. Бироқ ҳеч қандай нафийни билмадим.

Шундан сўнг ҳамкасблардан бири Марказий госпиталдаги жаррохлик бўлини мақсади подполковник Азамат Омонов ишлаганини, у

## Эртага – Тиббиёт ходимлари куни

киши бундай дардларни тез даволашни айди. Уша сафдошимнинг тавсияси билан у кишига учрашиб маслаҳатларини олдим. Сўнг операция қилдилар. Ҳозир ўзимни анча яхши ҳис қилаяпман.

Ўзи хизмат қилаётган жамоа ҳақида А. Омонов санимийат билан шундай эътироф этади:

– Хар бир шифокорнинг хизмати касбдошлари билан юзага чиқади. Мухтар Сағатов, Равшан Исмаилов, Анвар Қодиров, Қадам Бекмуродов каби шифокор дўстларим борлигидан фахрланаман. Соҳамизни ҳамширалар хизматисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ольга Мартинова, Люся Гибатулина, Холда Набиева, Маъмура Эргашева, Шоҳиста Турдиева ва Гулноза Алимжоновалар хар ишда қаҳқон, ширин сўз ҳамширалардан.

Олий тоифали шифокор Азамат Омоновнинг тиббиёт соҳасидаги хизматлари муносиб баҳолашиб, ўтган йили Президентимизнинг Фармонига кўра «Содиқ хизматлари учун» медали билан мукофотланди.

**Абу КЕНЖАЕВ.**

Суратда: А. Омонов (чапда) К. Бекмуродов билан операция пайтида.

Муаллиф олган сурат.

**Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ тиббиёт бўлимига келган киши бу ердаги тозалик ва саранжомликдан кўнгли таскин топади. Шифохонага хос бундай озодалик ва шифокорларнинг самимий муомаласи хаста кишининг дардига малҳам бўлиши табиий. Айниқса, болалар шифохонасидаги орасталик барчага манзур.**

## СОҒЛОМ ФАРЗАНД КЕЛАЖАК ЖАМОЛИ

Одатда болалар оқ халатли кишиларни кўриши билан ваҳимага тушиб йиғлаб юборишади.

– Дўхтирдан кўркмайсанми? – дея сўхтабга тортдиқ онасининг ёнида навбат кутиб ўтирган Шоҳсанам исмли қизини.

– Тамара опа жуда меҳрибонлар. Касалимни бир пасда тузатадилар. Агар айтганларига амал қилмасак қойиб ҳам турадилар, – бидирлади қиз.

Дарҳақиқат, педиатр Тамара Уразалиева болаларнинг соғ-саломат бўлишлари учун ҳамisha масъулиятни ҳис қиладиганлардан. У ўттиз бир йилдан буюн Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ тиббиёт бўлими поликлиникасида хизмат қилмоқда.

– Фарзанд ота-она учун энг азиздир. Жигар-



бандларининг жони оғриси, шубҳасиз, улар қараб турулмайди. Дунё кўзига қоронғи бўлиб, ҳаловатини унутди. Бу эса ишининг самарасига пуртур етказди. Шу боис эл тинчилиги ва осойишталигига масъул бўлган ходимларнинг хотиржамлигини таъминлаш, фарзандларининг соғлигини мустаҳкамлашда ҳамisha хушёр ва камарбастамиз. Чунки оиладаги хотиржамлик ходимларнинг хизмат самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз, – дейди Тамара Уразалиева.

**Дурдубой ХУДОЙШУКУРОВ.**

Суратда: шифокор Тамара Уразалиева.

Қорақалпоғистон Республикаси.

Андижон давлат тиббиёт институти тамомлаган Гулмира Латипжонова кўп йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилган истеъфодаги подполковник Тожийбой Қобилоннинг фарзанди. Ака-укалари – Акрамжон, Фурқатжон ва Баҳромжонлар ҳам ички ишлар идораларида хизмат қилишган.

## МЕҲРИБОНЛИК БИЛАН



## АСОСИЙ МАҚСАД — ХОДИМЛАР СОҒЛИГИ

Ҳозирги вақтда Сурхондарё вилояти ИИБ тиббиёт бўлими жамоасига саккиз минг нафардан ортиқ кишига тиббий хизмат кўрсатиш бириктирилган бўлиб, шундан ички ишлар идоралари ходимларидан ташқари божхона, прокуратура, адлия бошқармаси, солиқ ва суд департаменти ҳамда эркин ёлланган ходимлар ва нафақадаги ички ишлар ходимларига ҳамда шахсий таркибининг оила аъзолари саломатлигини муҳофазалаш масъулияти юклатилган.

Шунингдек, ички ишлар идораларида кўп йиллар самарали хизмат қилиб, нафақага чиққанлар, Иккинчи жаҳон урушида қатнашган фахрийлар хизмат вақтида ҳалок бўлган ва боқувчисини йўқотганлар, ногиронларга ҳам мунтазам равишда амбулатор, стационар ҳамда уйларида тиббий хизмат кўрсатиш диққат-эътиборда турибди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли буйруғига асосан ходимларнинг профилактик тиббий кўриқдан ўтишлари сифатини таъминлаш, касалликларни вақтида аниқлаш, ташхис қўйишда

енгиллик яратилишини таъминлаш мақсадида флюорография аппарати, Германияда ишлаб чиқарилган «SANASCOP-20» ультратовушли ҳамда рентген текширув аппаратлари, компьютерли ва портатив электрокардиография, эндоскопия каби асбоб-ускуналар, компьютер жиҳозлари олиб берилди. 3 та «Дамас» русумли санитар автомобиллар ҳам тиббиёт ходимларининг ўз вазибаларини бажаришида муҳим ўрин тутмоқда.

Бундан ташқари, республика ИИБ раҳбариятининг эътибори туфайли кейинги 5 йилда 780 нафар ходим, 476 нафар нафақадор

Қобилонлар сулоласида вояга етган Гулмирахон ҳам мана 19 йилдирки, Фарғона вилояти ИИБ тиббиёт бўлими поликлиникасида худуд терапевти вазифасида фаолият кўрсатиб келаёпти. Уни барча ходимлар, фахрийлар ва уларнинг оила аъзолари яхши билишади. Чунки бу шифокор барчага бирдай. Бундан ташқари, ўз соҳасини пухта ўзлаштирганлар сирасидан.

– Опанинг самимий муомаласиёқ унинг қабулига кирган беморда соғайиши учун ишонч уйғотади, – дейди вилоят ИИБ ХЧК ва ФРБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Дилшоджон Расулов.

Бир сўз билан айтганда, худуд терапевти Гулмира Латипжонова шахсий таркибга ва фахрийларга тиббиёт хизмати кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, шу орқали ходимларнинг жисмоний соғломлиги ҳамда жанговар шайлигини ошириш мақсадида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

**Бўрибой ОМОНЗОДА.**

Суратда: терапевт Гулмира Латипжонова беморнинг қон босимини ўлчамоқда.

## СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА



Суратда: Наманган вилояти ИИБ тиббиёт бўлимининг бир гуруҳ ходимлари.

Наманган вилояти ИИБ тиббиёт бўлими ходимлари нафақат ички ишлар идоралари ходимлари, уларнинг оила аъзолари, фахрийларнинг саломатлигини муҳофаза қилишга, балки ҳуқуқ-тартибот идораси ходими бўлиши, ИИБ таълим муассасаларига киришни хоҳловчи номзодларнинг соғлигини ҳар томонлама текширишга ҳам масъулдирлар. Zero, осойишталик посбони тўрт мучаси соғ, жисмонан чиникқан бўлиши керак.

– Бизда касалликларни ўз вақтида аниқлаш учун барча шароитлар мавжуд. Замонавий ташхис қўйиш асбоб-ускуналарига эгамиз. Мутахассисларимизнинг ақсарияти чуқур билимли, касб малакаси юқори. Ходимларнинг касалликларини дастлабки босқичдаёқ аниқлаб, уларни қисқа муддатларда даволаб, сафга қайтаришга алоҳида эътибор берамиз, – дейди Наманган вилояти ИИБ тиббиёт бўлими бошлиғи, капитан Ҳ. Мирсаидов.

Бўлим биноси яқинда тўла таъмирдан чиқарилди. Физיותרепия муолажаларини бажаришга мўлжалланган замонавий ускуна, стоматология кабинети учун жиҳозлар олинди. Кундузги шифохонадаги ўринлар

сони 10 тага етди. Вилоят ИИБ раҳбариятининг ташаббусига кўра янги даволаш корпуси қурилди.

Бу ерда, айниқса, ички касалликларни аниқлаб, даволаш борасида бой тажриба тўплаган. Қолаверса, бошқа йўналишлар бўйича фаолият кўрсатаётган шифокорлар ҳам етарли даражада малакага эга. Шу ўринда стоматолог З. Содиқова, кардиолог З. Неъматова, педиатр А. Мамадалиева, невропатолог С. Ибрагимовларнинг номларини алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз.

**Фурқат МАМАЖОНОВ,**

майор.

Наманган вилояти.

## ҚўЛИ ГУЛ ЖАРРОҲ

Мамлакатимизда соғлом авлодни камол топтириш борасида эзу ишлар амалга оширилиб, бир қатор самарали илохотлар ўтказилмоқда. Соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари муносиб хизмат шароитларининг яратилиши, тиббиёт масканларининг замонавий жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан таъминланиши эса, шубҳасиз эл саломатлигини сақлаш йўлидаги хайрли амалларга хизмат қилмоқда.

Ходимлар уларнинг оила аъзолари ва фахрийлар соғлигини сақлаш, саломатлигини тиклаш борасида ҳам вилоят ИИБ тиббиёт бўлимида ҳавас қилса аризулик шарт-шароитлар яратилган.

– Соғ танда – соғлом ақл, деганларидек вилоят ички ишлар идоралари шахсий таркибининг мустаҳкам саломатлиги, уларнинг юрт осойишталиги ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларида муваффақиятлар омили бўлади, – дейди вилоят ИИБ тиббиёт бўлими бошлиғи, подполковник Бахтиёр Асроров.

– Ҳамкасбларимиз, уларнинг оила аъзолари, фахрийлар саломатликларини тиклашда ёрдам кўрсатаётганимиздан бахтиёримиз.

Чиндан ҳам инсонлар қалбига эзгулик улашуви шифокорлар энг яхши дори-дармон ширин сўз, гузал табассум эканлигини яхши англашади. Ҳозирги пайтда тиббиёт бўлими поликлиникасида шарафли касб эгалари Анвар Якубов, Озода Хидоятова, Абдуғафур Қодиров каби шифокорлар ёшларга устозлик қилиб келишмоқда. Дилдора Рўзметова, Мастура Зокирова, Фурқат Тўйчиев каби ёшлар эса, мураббийлар ўғилларига қулоқ тутиб, жамоада шаклланган устоз-шоғирдлик аъзаларига садоқатли бўлишга интиломоқда.

Ана шундай саломатлик посбонларидан бири шифокор-жаррох Нодира Казакбаевадир.

– Жамоадагиларнинг кўпчилиги опани устоз-маслаҳатчи деб билади. Унинг ўзи ҳам билганларини ўргатишдан, тажрибаларини сузлаб беришдан эринмайди, – дейди жаррох Фурқат Тўйчиев.

Нодира Казакбаева 1-ТошМИ (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси)ни тамомлаб, илк иш фаолиятини Қўйраб тумани марказий касалхонасида бошлаган. Соҳада устозлари Маннон Искандаров, Игорь Шнейдр, Комил Ёқубов, Ҳикмат Усмоновлардан кўп нарсаларни кўнб билан ўрганди. Уларнинг талабчанлиги ва қаттиққўлиги ўз ишининг устаси бўлиб етишишда асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Узоқ йиллардан буюн эса, Тошкент вилояти ИИБ поликлиникасида фаолият олиб бормоқда. Нодира опанинг фарзанди, Ибро-Шергазиева ҳам ҳозирги кунда ИИБ Марказий поликлиникасида намунали хизмат қилиб келмоқда.

Жамоадаги кўпчилик ёшлар Нодира опадаги ғайрат-шижоатни кўриб ҳавас қилишади, чунки бу инсон ўз касбини севади, беморларга нафис тегаётганидан қувонади. Унинг хар бир кун агарофдагиларга яхшилик улашиб, уларнинг қўлига йўл топиб, беморларнинг соғайишига ҳисса қўшиш билан ўтади.

**Хурийд РЎЗИЕВ.**

Тошкент вилояти.



Суратда: ҳудудий терапевт-шифокор Шарофат Жўраева беморни тиббий текширувдан ўтказмоқда.

Навий вилояти ИИБ тиббиёт бўлими поликлиникаси шифокор ва ҳамширалари ходимларга мунтазам равишда идоралари хизмат кўрсатиб келишмоқда. Уларнинг эътибори туфайли соғлом турмуш-тартиб йўлга қўйилган.

Суратда: ҳудудий терапевт-шифокор Шарофат Жўраева беморни тиббий текширувдан ўтказмоқда.

**М. АҲАДОВ олган сурат.**

Навий вилояти.

Асосий эътибор шахсий таркиб саломатлигини муҳофаза қилишга, ходимларга яратилган коммунал-маиший, меҳнат ва дам олиш шароитларига, хизмат хоналарининг эстетик кўринишларига, бино ва иншоотларнинг санитария ҳолатини яхшилашга қаратилмоқда.

Қулай меҳнат шароитлари, замонавий тиббиёт ускуналари барча бўлимларга етказиб берилган. Бундан ташқари, ходимларнинг дунё тиббиёт янгиликларидан бо-хабар бўлишлари учун ҳам имкониятлар етарилмади.

**Фарход ТОШБОВЕВ,**

катта сержант.

Сурхондарё вилояти.

Маърифат дарси

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФҚУРА ТАРҒИБОТИДА ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ҳар қандай мустақил давлатнинг ғоя ва мафқураси, аввало, шу мамлакатда яшаётган халқларнинг яшаш ҳамда тараққий этиш даражасини белгилаб беради. Жамият маънавий-маърифий ҳаётининг ўсиши эса ёш авлоднинг қай даражада тарбиялаш билан боғлиқ. Аини пайтда миллий ғоя ва мафқуранинг куч-қудрати, таянчи, таълим-тарбия, тарғибот ҳамда ташвиқот ишларини қай даражада амалга оширишимизга қараб белгиланади.

тон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг «Қасб одобнома-си», ички ишлар идоралари ходимлари учун «Сийёсий-ижтимоий сабоқ» машғулотларини ўтказиш, Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштиришга оид Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги қарорлари, ИИВнинг 2007 йилдаги 170-буйруғига асосан ИИВда «Маърифат дарслари»ни олиб бориш қабилар шулар жумласидандир.

